O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 17 август пайшанба

Сотувда эркин нархда № 159 (2456)

ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ

Мамлакатимизнинг ҳарбий тузилмалари Сурхондарё вилояти ҳудудига суқилиб кирган босқинчилар гуруҳларини йўқ қилиш борасида амалга оширилаётган операцияни муваффақиятли давом эттирмоқда.

Хабар қилинганидек, афсуски, ҳарбий хизматчиларимиз орасида ҳам қурбонлар бор. Қуйида террорчиларга қарши амалга оширилаётган мазкур операциянинг дастлабки кунларида бўлган фаол жанговор ҳаракатлар пайтида бедарак йўқолган ва кейинчалик ҳудудни босқинчилардан тозалаш пайтида жасадлари топилган жангчиларимизнинг исм-шарифлари эълон қилинмоқда. Ҳалок бўлганлар орасида, кўрилган чора-тадбирларга қарамай, ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмаган оғир ярадор жангчилар ҳам бор.

Қаҳрамон Нишонбоевич МАДАЛИМОВ, старшина. 1972 йили Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида туғилган.

Юнус Носирович ОХУНОВ, кичик сержант. 1979 йили Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида туғилган.

Эломон Холмуродович ОТАЖОНОВ, катта сержант. 1978 йили Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида туғилган.

Дониёрбек Абдумуталибович ТОЖИБОЕВ, сержант. 1979 йили Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида туғилган.

Маҳмуджон Мўминович ЖАЛИЛОВ, катта лейтенант. 1975 йили Андижон вилоятининг Избоскан туманида туғилган.

Ғофуржон Зоирович РАЖАБОВ, лейтенант. 1975 йили Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида туғилган.

Абдуҳалим Жумабоевич ТОШКУЛОВ, кичик сержант. 1969 йили Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида туғилган.

Ватанимиз хавфсизлиги, сарҳадларимиз ҳимояси йўлида жон фидо этган жасур аскарларимизнинг номи халқимиз хотирасида абадий яшайди.

Республика «Маънавият ва маърифат» марказида «Халқаро терроризм ва унинг минтақамизга таҳдиди» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Мавзу юзасидан маърузалар тингланди.

ОГОҲ БЎЛАЙЛИК!

Семинарда асосан барчанинг диққат марказида турган Сурхон воҳасининг Сариосиё ва Узун туманларидаги воқеалар ва тоғли ҳудудларга ўрнашиб олган газандалар ортида турган ҳомийларнинг мақсадлари ҳақида сўз юритилди.

Бугунги кунда хорижий радиолар, хусусан, Би-Би-Си, «Озодлик» радио тўлқинларида бу ҳақда тарқатилаётган ҳар хил нотўғри талқинлар кишилар тасаввурига салбий таъсир этиши мумкин. Аслида халифалик ўрнатишни сиёсий ниқоб қилиб олган террорчилар ўзларининг бадниятлари йўлида қўпорувчилик ишларини амалга оширмоқдалар.

Эртанги кунимизни ҳар қандай хавф-хатардан холи қаршилаш биздан сергаклик, огоҳлик талаб қилади. Ватанни кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Илмий-амалий семинар барчани огоҳликка даъват этди.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом КАРИМОВга

Халқимиз учун ҳақиқий Юртбоши бўлиб қолган ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Ушбу мактубни Сизга фарзанд доғида изтироб чекаётган ота-оналар йўлламоқда. Алпдек ўғлонларимиз — Улуғбек Барноев, Сайёр Саъдинов, Маъруф Ражабов Ватан сарҳадларини экстремистлардан тозалашда қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Ана шундай оғир дамларда Сиздек фидойи Юртбошимиз, вилоят ва туман ҳокимлари, бутун халқимиз кўнгил сўради.

Биз фарзандларимиз Ватан мустақиллиги, эл тинчлиги учун жон фидо этганлиги, шаҳид кетганлиги билан ғурурланамиз. Уларни бутун Ўзбекистоннинг фарзанди, деб биламиз. Гарчи, изтироб, фарзанд доғи қалбимизни қийнаётган бўлса-да, бегуноҳ болаларимизнинг сизу бизнинг эртамиз учун қурбон бўлганлигидан таскин топади. Чегарамизни қўриқлаётган, босқинчиларга қарши борган ҳар бир йигит ана шундай йўл тутиши ҳам фарз, ҳам қарздир. Чунки биз мард, ботир, ватанпарвар, ғурурли фарзандларни тарбиялаб, вояга етказаяпмиз.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сиз Ватанни севиш, халқни ҳурмат қилиш тимсолисиз. Оғир кунлардан сабот-матонат билан халқни фаровонликка олиб чиқаяпсиз. Жасорат ва қўрқмасликда ҳам барчага ибрат кўрсатаяпсиз. Ўзбекистон, ўзбек халқи обрўсини биз Сизнинг номингиз билан боғлаймиз. Ва ана шу обрўни ҳимоя қилишга ҳамиша тайёрмиз.

Биз уруш қурбонсиз бўлмаслигини яхши биламиз. Қолаверса, Ватан посбони тайёрлаш, қаҳрамон ўстириш ҳар бир ота-она учун катта бахтдир. Ўзбекистондаги ҳар битта ота-она Сизга ана шу гапни айта олади. Ўзингиз айтганингиздек, кўнглингизнинг тўқлиги, ғурурингиз ҳам халқимизнинг ана шу фазилатидандир.

Биз шундай қарорга келдик: гарчи фарзандларимиз ҳалок бўлган бўлса-да, улар билан фахрланамиз. Мабодо Ватан ҳимояси учун лозим бўлиб қолса, бошқа ўғилларимизни оқ фотиҳа билан чегарага жўнатишга тайёрмиз. Керак бўлса, қўлга қурол олиб, ўзимиз ҳам жангга кирамиз. Ватаннинг бир қаричи ҳам Ватан. Ким унга ёмон ният билан қадам қўяр экан, юртсевар халқимиздан ўз жазосини олади.

Ҳурмат билан,
Самарқанд вилоятининг
Каттақўрғон шаҳридан Абдулла БАРНОЕВ,
Боғишамол туманидан Розия САЪДИНОВА,
Булунғур туманидан Аҳмад РАЖАБОВлар оиласи.
2000 йил 15 август.

САДОҚАТ РАМЗИ

Нукусда республика фаолларининг Сурхондарё вилоятининг жанубий туманларидаги воқеаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикасидан Олий Мажлис депутатлари, Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий кенгаш депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, вазирлик ва идоралар, жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва маҳаллалар вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Сурхондарё вилоятининг тоғли туманларига ўтиб олишга уринган террористлар гуруҳи Афғонистонинг ҳарбий лагерларида махсус тайёргарликдан ўтганлиги, уларни айрим хорижий ташкилотлар маблағ ва қурол-яроғ билан таъминлашда катта ёрдам кўрсатаётгани таъкидланди. Террористларнинг бу ёвуз ҳаракатлари атрофимизда бўлаётган воқеаларга ҳушёрлик билан, жиддий муносабатда бўлишимизни тақозо этади. Шунингдек, республикада тинчликни сақлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва аҳолининг келгусидаги ҳамкорлигини кучайтириш, одамлар гавжум, серҳаракат жойларда, хусусан, автошоҳбекат, аэробекат, темир йўл бекатларида, бозорларда назоратни кучайтириш, жамоатчилик транспортида ҳушёрликни ошириш зарурлиги қайд этилди.

Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари экстремистик кучларга алоқаси бўлган шахсларни қўлга олиш чораларини кўрмоқда. Масалан, Хўжайли туманида экстремистик мавзудаги варақа ва адабиётларни тарқатиш билан шуғулланаётган гуруҳ фаолияти тўхатилди.

Фаоллар йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Темур Камолов нутқ сўзлади.

* * *

Самарқандда "Огоҳлик - муқаддас бурч" мавзуида бўлиб ўтган йиғилиш халқаро террорчилар хуружига қарши жангда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларимиз хотирасини ёдга олиш билан бошланди. Вилоят ҳокими Э.Рўзиев мустақил Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини якдиллик билан ҳимоя қилиш, турли миш-мишлар тарқалишига йўл қўймаслик, ҳушёрликни йўқотмаслик зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда террорчиларга қарши курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган лейтенант Сайёр Саъдиновнинг онаси Розия опа оналар номидан сўзга чиқиб, мустақил Ватанимиз тупроғини ёвга топтатмаслик, юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканини айтди.

(ЎзА).

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманлари ҳудудидаги баланд тоғликларда ўрнашиб олишга уринган халқаро террорчилар гуруҳига қақшатқич зарба берилиб, асосий қисми йўқ қилинди. Жанг майдонидан, пана-пастқам ғорликлардан ер тишлаган босқинчиларнинг мурдалари топилмоқда. Республика прокуратураси, Харбий прокуратура, Сурхондарё вилоят прокуратураси томонидан тузилган махсус тергов гуруҳи Ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизмати идоралари билан ҳамкорликда мурдаларнинг шахсини, улар содир этган жиноят таркибини аниқлаш бўйича тергов ҳаракатларини давом эттирмоқда.

ТЕРРОРЧИЛАРГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Биз Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, республика ҳарбий прокурори Баҳодир Деҳқоновдан ана шу тергов жараёнларининг дастлабки натижалари ҳақида сўрадик.

— Ватанимизнинг жанубий сарҳадларига ёвуз ният билан суқилиб кирган халқаро террорчиларга қарши қўзғатилган жиноий иш бўйича тергов ҳаракатлари қандай кетмоқда?

— Аввало, шуни айтиш керакки, Ватанимиз хавфсизлигига, халқимизнинг тинч ҳаётига тажовуз қилмоқчи бўлган бу босқинчи тўда аъзоларига қарши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган. Бу модда терроризм, яъни Ўзбекистон Республикасида вазиятни беқарорлаштириш, халқаро муносабатларни чигаллаштириш, уруш чиқариш мақсадида иғвогарлик, одам ўлдириш, зўрлик ишлатиш, мол-мулкни босиб олиш ва ушлаб туриш каби бир қанча жиноий хатти-ҳаракатларни назарда тутади.

Террорчилик бутун дунёда энг оғир жиноят турларидан бири деб ҳисобланади. Бундай жиноятни содир этган кимсаларга нисбатан барча мамлакатларнинг қонунчилигида қаттиқ жазо чоралари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида бундай жиноят содир этганлиги учун узоқ муддатли қамоқ жазосидан олий жазо - ўлимга маҳкум этишга қадар жазо қўллаш назарда тутилган.

Шу кунларда махсус тергов гуруҳи бевосита жанг бўлиб ўтган жойларда террорчиларнинг жиноий ҳаракатларини атрофлича ўрганмоқда. Тоғу тошда жасадлари топилган босқинчиларнинг шахсини аниқлаш бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда.

Мурдалар кўздан кечирилганда, шу нарса маълум бўлдики, уларнинг аксарияти ўқ тегиши ва портлашлар натижасида парчаланиб кетган. Кийим-бошлари, ёнидаги буюмлари ҳам асосан ёниб кетган. Бу ҳолат эса уларнинг шахсини аниқлашда замонавий экспертиза усулларидан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ОПЕРАЦИЯНИНГ ҲАРБИЙ БОСҚИЧИ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

САРИОСИЁ. (ЎзА мухбирлари Мусулмон Намозов ва Чори Тўхтаев хабар қиладилар). Сурхондарё вилояти Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудларига суқилиб кириб, жойлашиб олишга уринган халқаро террорчилар гуруҳларини тугатиш операциясининг ҳарбий босқичи амалда ниҳоясига етмоқда, дейиш мумкин.

Операциянинг навбатдаги босқичида Ички ишлар вазирлиги ҳамда чегара қўшинларининг аскарлари фаол ҳаракат бошлайди. Бутун ҳудуд бирма-бир текшириб чиқилади. Тоғ аҳолиси паспорт назоратидан ўтказилади.

Юксак тоғ чўққиларида, сўқмоқ ва довонларда жойлашган кузатув-назорат постларида турган аскарларимизга ҳар куни иссиқ овқат, ўқдори, зарур анжомлар ўз вақтида етказиб берилмоқда. Ярадорлар ва беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатилаётир. Постдан алмаштирилган аскарлар учун маданий ҳордиқ чиқариш ташкил этилган. Почта хизмати йўлга қўйилган. Дам олиш соатларида аскар ва офицерлар уйларига қўнғироқ қилиб, қариндош-уруғлари билан гаплашишлари мумкин.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Сурхондарё вилоят бошқармаси террорчилар хуружи такрорланиши мумкин бўлган ҳудудларда сел ва кўчки хавфи юқорилигини эътиборга олиб, тинч аҳолини воҳага кўчириш ишларини бошлаб юборди. Қариялар, болалар, аёллар вертолётларда олиб тушилмоқда. Эркаклар эса мол-ҳоли билан бирга тажрибали альпинистлар, милиция ходимлари ҳамроҳлигида кўчирилади.

Кўчирилганлар учун Узун ва Сариосиё туманларида махсус лагерлар ташкил этилган. Айни пайтда уларга Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қизил Ярим ой жамияти, маҳаллий ҳокимликлар томонидан палаткалар, иссиқ овқат, кўрпа-тўшак етказиб берилмоқда. Тиббий хизмат ташкил этилган. Умуман воҳа аҳли террорчилар хуружи натижасида тинч ҳаёти бузилган аҳолига ёрдам беришда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, "Ҳисор" матлубот жамияти баланд тоғда жойлашган ва террорчилар хуружи пайтида воҳа билан савдо алоқалари узилиб қолган Тамшуш қишлоғи аҳолисига ун, макарон, гуруч, ёғ, ёқилғи ва гугурт, туздан иборат қиймати 300 минг сўмлик инсонпарварлик ёрдамини етказиб берди.

Вилоят ҳокимлиги кўчирилган аҳоли учун қишгача Узун туманида 109 та, Сариосиёда 94 та уй қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу савоб ишга вилоятнинг барча туманлари жалб этилади.

(ЎзА).

Ватанимиз сарҳадларига суқилиб киришга ҳаракат қилаётган нобакорлар осойишта юртимизга кўркув, вахима солиб, тинчлигимизни бузиш асосий ниятлари эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Азалдан шу нарса маълумки, вахима — душманнинг қўлидаги энг катта куролларидан бири. Яхшиямки, халкимиз хушёр, кора ниятли кимсаларнинг бундай кутқусидан чўчимайди.

НОБАКОРЛАР НИЯТИГА ЕТОЛМАЙДИ

«Халқ сўзи» мухбири Боткен вилояти ва мамлакатимизнинг чегара туманларидан хабар беради

Фикримизни чегара ҳудудларида жойлашган Учкўприк туманининг «Оқсув», Риштон туманининг «Ёйилма», Ўзбекистон туманининг «Ўқчи», Бешариқ туманининг «Адиробод» сингари жамоа ва ширкат хўжаликларида сабзавот ва полиз экинлари, боғ-роғлардаги меваларни йиғиштириб олишни бирор дақиқа ҳам сусайтирмасдан, ишни доли-гулига қўйиб бажаришаётганидан ҳам билиш мумкин.

Улар нимадан ҳам чўчишсин. Дала ва боғлар ҳушёр ва сергак Ватан посбонлари томонидан қўриқлаб турилибди.

(Давоми 2-бетда).

ТОҒЛАРДАГИ ЖАСОРАТ

Мухбиримиз Олимжон УСАНОВ Сариосиёдан хабар қилади

Тамарҳут, Саринаво, Ҳамидарча, Зевар қишлоқларида ўрик пишди. Йил қурғоқчил келганига қарамасдан Девлоқ тепаликлари баҳор либосида – кўм-кўк. Мамлакатимиздаги энг баланд — Қалдирға тоғида қор эриб тугамаган.

Юртимизнинг ана шундай хилват ва сўлим гўшасига ин қурмоқчи бўлган қарға-зоғлар – жангари террорчиларни даф қилишда ўғлонларимиз мардлик ва жасорат кўрсатаётишганидан руҳимиз тетик.

– Душман ҳийлагар ва айёр, – дейди катта лейтенант, разведкачи Акбар Рустамов. – Олдинига кундузи ҳам бемалол ҳаракат қилишга чоғланиб турувди. Чучварани хом санаганини сезиб қолди. Ҳозир улар кечқурунлари кавакларидан чиқишмоқда. Гоҳида бир қўлида таёқ (қурол, албатта, қўлтиғида), олдига тўртта молни ҳайдаб, чўпон сифатида қаршимиздан чиқиб қолмоқда. Бизни чалғитишга уринмоқда.

Йўқ, шаштлари синиб, попуги пасайиб қолди лаънати ғаламисларнинг. Ўз бўлинмамиз билан биз Девлоқ адирлигида уларнинг йиғирматага яқин пистирмасини йўқ қилишга эришдик.

– Биз Рустамов бошқараётган бўлинмада хизмат қиламиз, – дейди оддий аскарлар Абдишариф Каримов, Абдилазиз Сотиболдиевлар. – Биз ўзларини енгилмас деб чоғлаган жангариларнинг кўзида қўрқоқликни, шошиб қолаётганликларини кўрдик. Биттаси, ҳатто, қуролини ташлаб қочди (Жон ширин экан-да). Икки оёғи бир этикка тиқилган яна биттаси ўзига ўт қўйиб юборди. Биламиз, тоғ шароитида биз эркинроқ ҳаракат қиламиз, деб ўйлашган. Бизникиларни доғда қолдиришни ўйлашган. Анойиларини топишипти. Бир кўзларининг ўтини олайликки...

Республика Мудофаа вазирлиги матбуот шўъбаси бошлиғи Комилжон Жабборовнинг айтишича, қўпорувчи жангариларга қарши ҳаракатлар аниқ маром билан давом эттирилмоқда. Турдиҳожи яйловларидан етиб келган бир гуруҳ ёш чўпонлар кўрган-билганлари ҳақида тегишли жойларни хабардор қилдилар. Газандаларни йўқотишда алоҳида жасорат кўрсатган зобит ва аскарларни рағбатлантириш маросими тантанали кечди. Бехавотир жойларга кўчириб келтирилган тоғ қишлоқлари одамлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

...Ям-яшил чорвоқларда ҳадемай яна булбуллар сайрайдиган бўлади. Қир-адирларимизда ҳамиша мусаффо шамоллар жавлон қилади.

Олий Мажлис сессияси олдидан

ЯГОНА ҲУҚУҚИЙ ИФОДА

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этишга киришилиши барча жабҳаларда туб ислоҳотларни тақозо этмоқда. Жумладан, мустақил Ўзбекистон Республикасининг ўз қонунлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилина бошланди. Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари бу борада кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдалар. Янги-янги қонун лойиҳаларини яратиш, уларни муҳокамалардан ва мутахассислар текширувидан ўтказиб, мукаммал ва рисоладаги даражага етказиш узлуксиз жараён бўлиб, унга ўнлаб соҳа мутахассислари жалб қилинадилар.

Табиийки, шу жараёнда қутилмаган муаммолар келиб чиқади. Қизғин муҳокамалар, мунозаралар бўлиб ўтади. Зеро, бу жараён ҳеч қачон енгил кечмайди. Лекин муаммонинг ечими ана шу тортишувлар, баҳслар ҳосиласи сифатида туғилади. Пировардида эса хийла мукаммал, турли талабларга жавоб берадиган қонун лойиҳаси пайдо бўлади.

Кўпинча шундай фикр олишувлар норматив-ҳуқуқий атамаларга тааллуқли бўларди. Биринчи чақириқ Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг беш йиллик тажрибаси шуни кўрсатдики, норматив-ҳуқуқий атамаларни унификациялаш, бу ишни чуқур илмий-амалий негизда ташкил этиш янгиланаётган давр тақозосидир. Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида Президент Ислом Каримов буни алоҳида таъкидлаб, норматив-ҳуқуқий атамашунослик билан шуғулланувчи махсус бир қўмита ёки комиссия тузиш зарурияти борлиги хусусидаги таклифни Парламент ҳукмига ҳавола этди. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг дастлабки сессиясида янги, Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясини тузишга қарор қилинди. Унинг таркибига Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Акмал Саидов ва бошқа таниқли сўз усталари, ҳуқуқшунос олимлар киритилди.

— Сир эмас, бизда ўн йиллаб шаклланган кўникма «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинганидан кейин ҳам устун бўлиб қоларди, — деб эслайди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясининг раиси Миракмал Миролимов. — Шу тариқа янги қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рус тилида яратилиб, пировардида ўзбек тилига таржима қилинди. Таржимонлардан нафақат мазмуний таржима, балки ҳуқуқ илмига оид, божхона, солиқ ва бошқа идоралар фаолиятида ишлатиладиган махсус ибора ва атамаларни ҳам аниқ ўгириш талаб қилинарди. Оқибатда бутун бошли қонунларни унификациялаш вазифаси таржимоннинг идроки, майли ва хоҳишига боғлиқ бўлиб қоларди. Бу, кўпинча бир хил ҳуқуқий тушунчалар турли қонун ҳужжатларида турлича ифодаланишига сабаб бўларди...

Ниҳоят, Олий Мажлиснинг етук мутахассислар ва амалиётчилардан иборат алоҳида бир комиссиясига норматив-ҳуқуқий атамаларни унификациялашдан иборат ғоят долзарб вазифа юклатилди. Комиссия аъзолари олдида: «Нимадан бошламоқ керак?» деган савол кўндаланг бўлди. Вазирлар Маҳкамаси Атамашунослик қўмитасининг иш тажрибаси ўрганилди. Унинг фаолиятини кўриб чиқиш чоғида норматив-ҳуқуқий атамаларни бирхиллаштириш алоҳида, ўзига хос хусусиятдаги иш эканлиги ойдинлашди. Кундалик амалиётда «нақлиёт прокуратураси», «нақлиёт милицияси» сингари атамаларни сингдиришга қаратилган уринишлар ҳам қатъий ва амалий чоралар кўрилишини тақозо этарди.

Шуларни ҳисобга олиб, Олий Мажлис комиссияси ўз фаолиятида андоза олиш йўлидан қочди. Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидан кейин ўтган қисқа муддатда бирнеча йилларга татийдиган ишларга қўл урилди. Амалдаги кодекслар ва қонунлардаги атамалар ўрганилиб, улар ҳарфлар тартиби бўйича саралана бошланди. Ҳар бир атамага унинг манбаи илова қилинди. Қизғин изланишлар натижасида амалдаги қонун ҳужжатларида қўлланилган ва парламент томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий атамаларнинг алфавитга солинган луғати яратилиши кутилмоқда.

— Ҳозир уни мукаммаллаштираяпмиз, — давом этади Миракмал Мираҳматович. — Бу сессияда қабул қилинадиган қонун ҳужжатларида қўлланилган янги атамалар билан тўлдириб, кейинги сессиягача нашр қилиш ниятидамиз. Бу луғат қонун лойиҳалари ва бошқа норматив ҳужжатлар устида ишлашда депутатларимиз ва бошқа мутахассислар учун асосий қўлланма бўлиб қолади.

Сессия арафасида Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси қонун лойиҳаларининг ўқилишини ўтказиб, атамалар нуқтаи назаридан қизғин муҳокамалар уюштирмоқда. Чунончи, «Радиация хавфсизлиги тўғрисида», «Қонун лойиҳаларининг умумҳалқ муҳокамаси тўғрисида», «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг лойиҳалари шу усулда кўриб чиқилди, зарур тузатишлар киритилди. Бу ишлар тегишли комиссия ва қўмиталар билан яқин ҳамкорликда амалга оширилаётганлиги лойиҳалар рисолага солиниб, сессия муҳокамасига тақдим этилишига имкон беради, албатта.

Комиссия фаолиятининг яна бир йўналиши шаклланиб, амалиётда ўз ўрнини эгаллаётир. Бу ўринда биринчи ўқишда қабул қилинадиган қонунларни тегишли идоралар, ўқув ва илмий муассасаларга юбориб, мутахассислар таништирилганидан кейин Комиссия аъзолари иштирокида атамалар нуқтаи назаридан муҳокамадан ўтказиш тажрибаси назарда тутилмоқда.

— Бу, албатта, келгусига мўлжаллаган режамиз, — деди пировардида Комиссия раиси. — Шунда тил равонлиги, атамалар аниқлиги, ифодалар тўғрилиги таъминланади.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТЕРРОРЧИЛАРГА ЖАЗО МУҚАРРАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу ўринда босқинчиларнинг мурдалари ёнидан кўплаб шприцлар топилганига ҳам эътибор қаратиш зарур. Ҳозир ана шу шприцлар махсус лабораторияга текширувларидан ўтказилмоқда. Дастлабки натижаларга кўра, бу шприцлар гиёҳвандлик моддаларини қабул қилиш учун ишлатилган. Бу эса террорчиларни асосан гиёҳванд, банги кимсалар бўлган, деб аташга асос беради. Маълумки, террорчилик бор жойда гиёҳвандлик, наркотик моддалар контрабандаси албатта авж олади. Бу икки ёвуз иллат бугунги кунда бирлашиб кетаётганини мана шундан ҳам билса бўлади.

Жиноятчилар қувиб чиқарилган ва яксон қилинган ғорлардан кўплаб замонавий автоматлар, пулемётлар, гранатомётлар ҳамда минглаб автомат ва милтиқ ўқлари, кечаси нишонга олиш мосламалари, дурбинлар топилди.

Текшириш чоғида шу нарса аниқландики, бу террорчилар тоғдаги дараларда катта-катта ўқдори, қурол-аслаҳа омборларига ҳам эга бўлган. Ҳарбий амалиётлар пайтида улар портлатиб юборилди. Ҳозир воқеа жойида бу омборларнинг қолдиқларини текшириш давом этмоқда. Уларнинг натижалари ҳақида кейин маълумот берилади.

— Халқаро ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида террорчиларнинг турли миллатга мансублиги ҳақида фикрлар айтилмоқда. Тергов ҳаракатлари жараёнида бу борада бирон-бир маълумот аниқландими?

— Ҳа, бу ёвуз тўда аъзоларининг турли миллатга мансублиги тасдиқланмоқда. Лекин аслида, бутун дунёда қабул қилинганидек, террорчининг миллати бўлмайди. У ўз номи билан террорчи.

Тергов ҳаракатлари жараёнида террорчиларнинг ички ва устки кийимлари ҳам бир хил экани аниқланди. Бу уларнинг ҳаммаси махсус тайёргарликдан ўтганини, махсус кўрсатмалар бўйича яшагани ва ҳаракат қилганини, бинобарин, уюшган жиноий гуруҳга мансублигини кўрсатади.

Боя айтганимдек, террорчиларга қарши олиб борилган ҳарбий амалиётлар натижасида уларнинг аксарияти ер билан яксон қилинди. Халқимизнинг тинч ҳаётига раҳна солмоқчи бўлган қора ниятли кимсалар мана шундай жазо топиши муқаррар. Тинч меҳнат билан яшаётган халққа қўл кўтарган, элнинг тавқи лаънатига учраган кимсаларнинг қисмати мана шундай аянчли бўлади. Уларга нисбатан ҳеч қачон шафқат қилинмайди. Мамлакатимизга кўз олайтирмоқчи бўлган, халқимизнинг тинчлигини бузмоқчи бўлган ҳар қандай тажовузкор шуни яхши билиб қўйсинки, Ватанимизга, муқаддас тупроғимизга ёвуз ният билан қадам қўйган кимсалар албатта яксон этилади, йўқ қилинади, кули кўкка совурилади.

(ЎзА).

НОБАКОРЛАР НИЯТИГА ЕТОЛМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Адиробод» хўжалигига қарашли бепоён боғларнинг юқориси тап-тақир қирлардан иборат. Шу бийдай қирнинг чўққисидан қаралса, уруш ҳаракатлари кетаётган жойларни бемалол кузатиш мумкин. Шу ерларнинг ҳар қаричини вилоят ички ишлар бошқармасининг ходимлари қадам-бақадам назорат қилиб туришибди. Юзлари қуёшдан қорайиб кетган милиция ходими Муҳаммаджон Қодировни суҳбатга тортамиз:

— Олчоқ ёвдан ҳамма нарсани кутиш мумкин. Жангарилар ёриб ўтиши эҳтимоли бор барча манзилларни тўлиқ назоратга олганмиз. Йигитларимиз доимо ҳушёр.

— Биз билан аҳоли ўртасида жуда яхши, самимий алоқа ўрнатилган, — дея суҳбатга қўшилади оддий милиционер Абдусаттор Умурзоқов. — Ватанимиз жанубий сарҳадларига хавф солинаётганини эшитиб, кўнгиллилар сафида ҳимояга отландим. Биз юртимиз дахлсизлиги, халқимиз, оилаларимиз тинчлиги учун ҳушёр турибмиз.

Айни кунларда божхона тизими ходимлари, зобитларининг ҳам хизмат тартибларига ўзгартиришлар киритилди. Ҳеч ким хизмат постини тарк этаётгани йўқ. Боткен воҳаси, Конибодом туманларига олиб борадиган йўллардаги Риштон, Ўқчи, Шўрсув, Андархон божхона масканлари, ҳаракатдаги постларда сергаклик оширилгани учун ҳам бирор-бир кўнгилсиз воқеа рўй бергани йўқ.

— Халқаро террорчиларнинг асосий мақсадларидан бири юртимиз орқали наркотик моддалар олиб ўтадиган йўлак очишдан иборат, — дейди вилоят божхона бошқармаси бошлиғи Иброҳим Асқаров. — Айниқса, ҳозир наркобаронлар анча жонланиб қолишди. Шуни эътиборга олиб, божхона масканлари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Барча масканларга наркотик моддалар таркибини аниқловчи, Германияда ишлаб чиқилган «Хайман» аппарати ўрнатилди, махсус тестерлар билан таъминланди. Республика кинология марказидан гиёҳванд моддаларнинг исини билувчи итлар олиб келинди.

Шунингдек, биз Боткен вилоятига туташ сарҳадларимиз яқинидаги айрим қишлоқларда ҳам бўлдик. Қорабоғ қишлоғи уч мамлакат чегаралари кесишган ҳудудга яқин ерда жойлашган. Аҳоли асосан ўтган йили жиноятчилар қўлида турган Зардоли қишлоғидан кўчиб келган. Аҳолининг кўпчилиги уруш азобларини, сарсонгарчиликларини тотиб кўрганликлари учун ҳам бу йилги воқеаларни ҳушёрлик билан кузатиб туришибди. Биз уруш ҳаракатлари кетаётган жойга яқин Бужум қишлоғилик Оқимбек Қамбаралиевни учратиб қолдик:

— Мана, иккинчи маротаба муаллимлик қалам ва дафтаримни автоматга алмаштиришга мажбур бўлаяпман. Кўнгиллилар сафида Ватан ҳимоясига отландим. Ўзбек ва қирғиз халқларида бир яхши нақл бор. «Заҳар солмоқчи бўлган илоннинг бошини янчиш керак, бўлмаса, у яна бош кўтариб чиқаверади». Энди бу нобакорларга сира омонлик бўлмаслиги керак.

Ирисбек Ағалиев, «Қирғизовул» қишлоғи фуқароси:

— Экстремистлар Боткенга оралагандан бери ҳаловатимиз йўқолган. На қўлимиз ишга боради, на оила ташвиши билан бирор юмушни амалга оширамиз. Биз тамаки эккан далалар олтиариқликларнинг пахта пайкалларига туташиб кетган. Мана, бир ҳафтадирки, суҳбатларимиз бир мавзуга тақалади: қандай қилиб бўлса ҳам қора ният билан келганларни тезроқ тағ-томири билан қириб ташлаб, даладаги ҳосилларимизни ўз вақтида йиғиштириб олиш ва тинчгина яшаш. Мақсади ёвуз, ватани нотайин нобакорлар ниятига етолмайди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сабоқ

ИШЛАГАН ҚАНД, ИШЛАМАГАН ПАНД ЕЙДИ

Ушбу мақол мағзини чақолмаганлар эса Алининг қалпоғини Валига кийдириш билан овора

Мамлакатимиз ғаллачилик соҳасида ўзига хос мактаб яратган андижонлик миришкорларнинг алоҳида ўрни, салоҳияти бор. Улар куч ва имкониятларини, бой тажрибаларини ишга солиб, экин майдонларини кенгайтирмаган ҳолда ҳосилдорликни мунтазам оширишга эришмоқдалар. Ўтган йиллар мобайнида бу борада улкан натижаларга эришилгани фикримизнинг далилидир.

Вилоят ғаллакорлари бу йил ҳам 74 минг гектар майдонда буғдойнинг юқори сифатли навларини парваришлаб, мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳар гектар майдондан 72 центнердан ошириб ҳосил олинди.

Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида бўлгани сингари ғаллачиликда ҳам оила пудратига алоҳида эътибор қаратилди. Мавжуд бошоқли дон майдонлари 11926 нафар ижарачига бўлиб берилиб, улар билан ўзаро манфаатли шартнома тузилганлиги ўз самарасини берди. Шаҳрихон туманидаги Т. Саримсоқов номли ширкат хўжалигининг ижарачиси Ғанижон Рўзиев ҳар гектар ердан 108 центнердан дон йиғиштириб олиб, вилоятда рекорд натижани қўлга киритди. Андижон туманидан Алишер Ашуров, Бўздан Мунаввархон Бекмуродова, Асакадан Абдуҳолиқ Солиев, Пахтаободдан Фазлиддин Турсунов, Марҳаматдан Назиржон Қаюмов, Улуғнордан Шарофатхон Япиева, Қўрғонтепадан Тожиддин Маматалиев каби илғорлар ҳар гектар ердан 75-90 центнердан хирмон кўтариб, ижара усулида иш юритиш деҳқончилик қаноти эканлигини амалда исботладилар.

Вилоятда ғалла уруғлигига катта эътибор қаратилаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда. «Уманка», «Крошка», «Княжна», «Дельти», «Эхо», «Югтина», «Половчанка» ва бошқа навлар синоатини андижонликлар бугун жуда яхши биладилар. Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти олимлари билан Краснодардаги ана шу йўналишдаги илмий муассаса селекционерлари ўртасидаги узоқ йиллик ҳамкорлик ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади. «Чиллаки» буғдой навининг яратилиши ана шу ҳаракатлар мевасидир.

Жорий йилда давлатга дон сотиш юзасидан белгиланган шартнома режаси ўтган йилга нисбатан анча аввал бажарилди. Шубҳасиз, бунда ўрим-йиғимга пухта ҳозирлик кўрилганлиги, етиштирувчилар ва тайёрловчилар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ютуқлар гарови бўлди.

Вилоятдаги барча туманлар, ширкат ва жамоа хўжаликларининг ҳаммаси давлатга уруғлик ва товар-дон сотиш режалари, шунингдек, қўшимча дон сотиш топшириқларини ортиғи билан адо этдилар. Бир сўз билан айтганда, мавсум муваффақиятли якунланди. Бироқ, гарчи хўжаликларда дон тайёрлаш режаси бажарилган бўлсада, уларнинг айримларида ижарачилар ҳуқуқи поймол этилди.

Ҳар бир деҳқон, фермерга, оилавий пудратчига шартнома режаси бажарилгач, ортиқча маҳсулот ўзига қолиши ҳуқуқи берилган. Бу ҳуқуқ хўжалик билан ижарачи ўртасида тузилган шартномада ўз аксини топган. Унга амал қилиб, адолатли йўл тутилса, тер тўкиб меҳнат қилган ижарачининг моддий жиҳатдан ҳимояланишига эътибор қаратилса, пудратчида ташаббускорлик, ўз ишига бўлган масъулият ортади. Жамоага ишончи мустаҳкамланади, ерга меҳр қўяди, тасарруфидаги мулкни асраб-авайлайди. Аксинча бўлса-чи?

Марҳамат туманидаги Бобур номли ширкат хўжалигида мавжуд 734 гектар ғалла майдони 129 оилавий пудратчига тақсимлаб берилганди. Аксарият пудратчилар ердан, сувдан, ўғитдан, техника воситаларидан оқилона фойдаланиб, қувончли натижаларни қўлга киритди. Жумладан, Раҳимжон Раҳмонов беш гектар ердан 59 центнер ўрнига 85,7 центнердан ҳосил йиғиштириб олди. Шартнома режасини 145 фоизга уддалади. Шунинг ҳисобига 1 миллион 600 минг сўм даромад қилди. Бироқ, бир арикдан сув ичган, ери-ерига туташ бўлган ижарачи Ҳусан Ҳайдаров бундай натижага эриша олмади. Ҳусанбекка тўрт гектар ер ажратилган эди. У «Уруғни сочиб қўйсам бўлди, дон пишганда ўриб, йиғиштириб оламан», қабилида иш тутди. Вақтида ўғитламади, экинни талабига қараб суғормади. Ғаллани бегона ўт босди. Ўшанда ҳам у сергак тортмади. Ғалвир сувдан кўтарилгач, ҳосилдорлик зўр-базўр 28 центнерни ташкил қилди. Шартномада кўрсатилган 24 тонна ўрнига атиги 11 тонна буғдой олинди. Йиллик режа 48 фоизда қолиб кетди. Хўжаликда яна 8 та пудратчи Ҳусанбекка ўхшаб бармоқ тишлаб қолди.

Раҳимжон бутун оиласи билан ҳар гектар ердан 200 минг сўмлик ўрнига 320 минг сўмлик ҳосил олган бир пайтда Ҳусанбек ернинг уволига қолди. Бошқача айтганда, бир гектар ер унга 110 минг сўмдан даромад келтирди.

Ирмоқлар қўшилиб, дарё ҳосил қилади. Унинг тўлибтошиб оқиши ирмоқлардаги сувнинг оз-кўплигига боғлиқ бўлгани каби, оилавий пудратчилардан ташкил топган бригадаларда ҳам бугун икки хил ҳолатни кузатиш мумкин. Йўлдошали Бурҳонов етакчи бўлган бригада пудратчилари 30 гектар ердан 254 тонна ғалла ҳосил йиғиштириб олдилар. Режадагидан ортиқча 2 миллион 400 минг сўм даромад топдилар. Тошмамат Эрматов бошлиқ бўлган бригадада ҳосилдорлик 33 фоизга ҳам етмади. Кўзда тутилган 7 миллион 200 минг сўм ўрнига 5 миллион сўмга етиб-етмай даромад қилинди. Шартномада кўрсатилганидан салкам юз тонна кам дон олинди.

Худди шу ўринда хўжалик раҳбарлари нохолис йўл тутганларини айтиб ўтиш жоиз. Кўза синдирган азиз-у, сув келтирган хор бўлди. Оилавий пудратчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, поймол этилди. Раҳбар ўзи имзолаган шартнома мажбуриятларига амал қилмади. Йил — ўн икки ой даладан оёғи узилмай меҳнат қилиб, баракали хирмон уйган деҳқонга ўзига тегишли бўлган дон тўлалигича берилмади. Масалан, Раҳимжон Раҳмонов шартномада кўзда тутилганидан 15 тонна ортиқча ғалла олди. Ўша ҳосил пудратчининг ўзида қолиши, омборига кириб бориши керак эди. Аслида нима бўлди? Хўжалик тепасида турганлар унга 2,8 тонна буғдой ажратиш билан кифояландилар. Қолгани Ҳусан Ҳайдаровга ўхшаш пудратчиларнинг кемтигини тўлдириш, шу йўл билан хўжаликнинг ялпи хирмонини «юксалтириш» учун олиб қўйилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: интизомга риоя этилмас экан, унда шартнома тузишнинг нима ҳожати бор? Президентимиз халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида алоҳида таъкидлаганларидек, **«одамлар қилган меҳнатининг натижасини кўрмаса, янги мулк шаклларининг афзаллигини ҳис этмаса, бу ислоҳотларни обрўсизлантиришга олиб келмайдими?»**

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар тобора чуқурлашмоқда. Амалга оширилаётган тадбирларнинг кенг қамровлилиги, бир неча йўналишларни ўзида мужассамлаштираётганлиги, ягона мақсадга қаратилаётгани, яъни ер, мулк шаклининг ўзгариши ҳосилдорликнинг тобора ортиб боришини таъминлаётган асосий омилдир. Аммо бу ҳаётий ҳақиқатнинг маҳзини айрим раҳбар ва мутахассислар чақа олишмаяпти.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисида тўғри қайд этганларидек, **«Аксарият хўжаликларда шартномаларни бажармаганлар жазосиз қолмоқда. Унинг нима сабабдан бажарилмагани таҳлил қилинмаяпти. Оқибатда пудратчиликнинг бош тамойили — пировард натижа учун моддий жавобгарлик ва рағбатлантириш шарти бажарилмасдан қолаяпти».** Натижада боқимандалик кайфиятидан бунёдкорликка ўтиш жараёни суст кечмоқда.

Жалолқудуқ туманидаги «Ёрқишлоқ» ширкат хўжалиги пудратчилари 647 гектар ердан 4691 тонна сара дон йиғиштириб олдилар. Ҳосилдорлик гектарига 72,5 центнерданга тўғри келди. Хўжалик шартномавий режани бажариб бўлгач, 700 тоннадан ортиқ донни ишловчиларга иш ҳақи учун тақсимлаб берди. 103 тонна ғалла пудратчиларга тарқатилди. Қўшни «Ўзбекистон беш йиллиги» ширкат хўжалигида эса рағбатлантиришга панжа орасидан қаралди: пудратчиларга бор-йўғи 63 тонна буғдой тарқатилди. Жорий йилда хўжалик бўйича 3011 тонна дон тайёрланиб, 2143 тоннаси давлатга сотилса-ю, омборга бир миқдор ҳам дон тушмаса, буни қандай изоҳлаш мумкин? Олтинкўл туманидаги Ризаев номли ширкат хўжалигида ҳам айнан юқоридагидай ҳолат юз берди.

Алининг қалпоғини Валига кийдириб обрў орттирмоқчи бўлганлар панд едилар. Ҳар учала ширкат хўжалиги бошқаруви раисларига нисбатан кескин чоралар кўрилди. Улар эгаллаб турган вазифаларидан олиб ташланди. Мансабдорлар томонидан йўл қўйилаётган ўта расмиятчилик, ислоҳотларнинг мақсадини, маъно-мазмунини, моҳиятини тушуниб етмаслик ана шундай якун топди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАШАББУС

Жиззах туманидаги Иттифоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи отахонлар Н. Абдуалимов ва Т. Худойбердиевлар Янгиқишлоқ аҳолисини мустақиллик байрамининг 9 йиллиги кунигача ичимлик суви билан таъминлашга аҳд қилишганди. Отахонлар фермер ва тадбиркорларни йиғиб, ташландиқ, эски артезиан қудуғини таъмирлаш, 1,5 минг аҳоли яшайдиган қишлоққа сув келтириш муаммосини қўйишди. Ўзлари бош бўлишиб, икки ой деганда бу ишни уддалашди. Оқсоқоллар шижоатидан руҳланган тадбиркорлар — Б. Сатторов, Б. Жуманов, И. Бегимқуловлар ўз маблағлари ҳисобига қишлоққа оқар сув келтирдилар.

Ўз мухбиримиз.

КАРТОШКА МЎЛ БЎЛАДИ



Янгиқўрғон туманидаги Тўйчи Неъматов номли ширкат хўжалиги вилоятдаги энг илғор хўжаликлардан бири. Шу кунга қадар қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида юқори натижаларга эришилди. Жумладан, пилла, ғалла бўйича топшириқлар туманда биринчи бўлиб уддаланди. Энди навбат картошкага. Мавжуд 120 гектар майдонда парваришланаётган картошка кўзни қувонтиради. Деҳқонлар ҳар гектар ердан 200 центнердан ошириб ҳосил олиш ниятида меҳнат қилишмоқда.

— Эришилаётган ютуқларимизнинг барчаси ер эгасини топгани натижасидир, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Қодиржон Неъматов. — Хўжалик бўйича бу йил 30 миллион сўм даромад олишни режалаштирганмиз. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор.

СУРАТДА: Қодиржон Неъматов тажрибали деҳқон Турсунали Ботиров билан.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикасида энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида 7 та, ўқитувчилар ва мураббийлар кунида яна шунча академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.

СОЗЛОВЧИНИНГ ИШЛАРИ СОЗ

Қурилиш ишлари ниҳоясига етиб қолган жойларда созловчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Улар замонавий ускуналарни ўрнатмоқдалар. Бу борада «Ўзэлектрмонтаж» бирлашмасига қарашли I-кўчма механизациялашган жамланма аҳли фаоллик кўрсатмоқда. Жамоа шу кунгача 71 миллион сўмлик созлаш ишларини бажарди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КАРМАНА БОЗОРИНИНГ ШУҲРАТИ ТИКЛАНАДИМИ?

Қадимда Кармананинг довруғи оламга таралган. Бунга сабаб, аввало, шаҳарда илм-фан, маданият тараққий этган бўлса, қолаверса, бозорнинг ҳамиша гавжум ва тўкин-сочинлиги одамлар эътиборини тортган. Чор тарафдаги савдогарлар айнан шу бозорда савдо-сотиқ қилишни афзал билишган.

Хўш, бугун-чи? Барча соҳада туб ўзгаришлар амалга оширилаётган айни паллада Кармана бозори аҳоли талабини қондира олаяптими? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб беролмаймиз.

Навоий тумани ҳокимлиги 1995 йил 26 июнда тижорат ва воситачилик бозорини деҳқон бозоридан ажратиш, Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги ҳудудидан ажратилган 2,8 гектар ерда янги бозор бунёд этиш ҳақида қарор қабул қилди. Тижорат бозори қурилиши ўша йилнинг 1 сентябригача тугалланиши кўзда тутилиб, бу ерда 162 та дўкон очиш режалаштирилди. Тез орада тадбиркорлар ўз маблағлари ҳисобидан савдо дўконларининг қарийб ярмини тикладилар. Қурилишга 5 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Тижоратчилар тўлиқ битмаган бозорга кўчирилди. Лекин икки-уч ҳафтадан сўнг бозор тақа-тақ ёпилди. Ўшанда карманалик бозорчиларнинг сарсонгарчилигини бир кўрсангиз эди! Тижоратчилар Навоий шаҳридаги Шанба бозорини қулай билишиб, ўша ерда савдо-сотиқ қила бошлашди. Қарабсизки, Кармана деҳқон бозори ҳувиллаб қолди. Қурилиши бошланган тижорат бозори ҳам ташланди қолга келди.

Муносабат

Тўғри, кейинги йилларда деҳқон бозорида бир қатор ишлар амалга оширилди. Пишиқ ғиштдан нақшинкор дарвоза, усти ёпиқ айвонлар, янги расталар тикланди. 110 та каттакичик дўкон қад ростлагандай бўлди. Лекин уларнинг бир қисмида пардозлаш ишлари ҳалигача тугалланмаган. Атиги 20 га яқин дўкондагина савдо-сотиқ қилинаяпти, холос.

Хуллас, беш-олти йил илгари 10-15 минг киши бемалол бозор-ўчар қилиши мумкин бўлган савдо майдони бугун ҳувиллаб ётибди. Бозор ҳиссадорлик жамияти раиси Зокир Шароповнинг таъкидлашича, кунига атиги 2,5-3 минг сўм атрофида даромад олинаяпти, холос. Бундан уч йил олдин чиқарилган 21 миллион сўмлик акциянинг 19 фоизи жамият улушини ташкил этади. Унинг ҳам бор-йўғи 150 минг сўмлиги сотилган. Дивиденд ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

— Қурилиши тўхтаб қолган тижорат бозорини яқинда ишга туширамиз, — дейди раис бамайлихотир. — Ҳар шанба куни штаб ўтказишга келишиб олдик. Ҳоким ҳаммамизга тегишли топшириқ берган.

Бу гапларга ишонгинг келади. Лекин ташландиқ бозорни яқин орада эпақага келтиришнинг иложи бўлармикин? Билмадик-ов... Нега десангиз, тикланган 70 дан ортиқ бинонинг 40 таси хароба ҳолда, деворлари қулаб тушган, эшик-деразалари қўпориб олиб кетилган. Янтоқ ва бошқа ёввойи ўтлар бино деворлари билан «бўйлашиб» турибди.

Бозор ҳудудида дўкон тиклаган бир неча тадбиркорлар билан суҳбатлашдик. Улар бу ерда қилган меҳнатларидан куйиниб гапирдилар. Баъзилар раҳбарларнинг бефарқлигидан нолиса, бошқалари талон-торож қилинган қурилиш материалларига ачинади. Лойиҳа асосида ажратилган жойда дўкон курган бўлса-да, энди уни бузиб, бошқа ерга кўчиришга мажбур этилган тижоратчиларнинг фиғони фалак. Туман меъмори Файзулла Чориев фикрича, «Ўзагрохўжаликлараролойиҳа» институти Навоий филиали тайёрлаган лойиҳага баъзи ўзгартиришлар киритиш лозим эмиш. «Туя гўшти еган» тижорат бозори ҳақида эса гап кўп. Ана шунда «Эсиз, шунча меҳнат, шунча сарф-харажат, умри бехуда ўтаётган ер», демай иложингиз йўқ.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: беш йил олдин қабул қилинган қарор нега бажарилмади? Ушбу масала аслида Навоий тумани ҳокимлигига тегишли бўлса-да, эндиликда унинг ижросини Кармана тумани ҳокимлиги ўз зиммасига олган. Лекин янги туман ташкил этилганига бир йилдан кўпроқ вақт ўтибдики, бўлажак бозор тақдири билан ҳеч ким қизиқмаётганлиги ажабланарлидир.

Вазирлар Маҳкамасининг кечагина матбуотда эълон қилинган «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида савдо маданиятини ошириш, сотувчи ва харидорлар учун қулай шарт-шароит яратиш масалаларига катта эътибор қаратилганки, бу, шубҳасиз, бозорларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти юксалиб бораётганидан далолат беради. Карманалик мутасаддилар ана шу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўриб, ишда жиддий бурилиш ясасалар, айни муддао бўларди.

Нима бўлганда ҳам, «Бухоро — Тошкент» катта магистрал йўли бўйида жойлашган ташландиқ бозор бугун ёрдамга муҳтож. Зеро, бултур май ойида Навоий шаҳри таркибига киритилган Кармананинг тарихий мавқеини тиклаш, туман бозорини кўркам ва замонавий савдо-сотиқ масканига айлантириш фурсати етди.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МУНОСИБ СОВҒА

Урганч темир йўл шоҳбекатида қутлуғ байрамимиз олдидан катта ҳажмдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Унинг тепасида яшил рангдаги салобатли гумбаз қад ростлади. Бинонинг ичкари қисми замонавий ва кўркам тус олиб, йўловчилар учун яратилган қулайлик ҳамда имкониятлар кенгайтирилди.

Шоҳбекат олдини кўркамлаштириш тадбирлари ҳам эътиборга лойиқ. Бу ерда фаввора ўрнатилди, гулзорлар бунёд этилди.

— Йўловчиларимиз қутлуғ тўй руҳини чуқур ҳис қилишлари учун хизмат кўрсатишни ҳам такомиллаштираяпмиз, — дейди шоҳбекат бошлиғи Матназар Ражабов. — Агар ўтган йили августнинг биринчи ярмида 5659 йўловчига хизмат кўрсатилган бўлса, бу йил шу муддатда бу рақам етти мингга яқинлашди.

Сотим АВАЗ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БЕШ ҚИТЪА ДАРАКЛАРИ

РИШТАЛАР УЛАНМОҚДА

Куни кеча Жанубий Корея президенти Ким Дэ Чжун яриморолдаги вазиятни юмшатиш учун КҲДР ва Корея Республикаси мудофаа вазирлари учрашувини ўтказишни таклиф қилди. Япон истибдоди тугаганининг 55 йиллиги тантаналарида сўзга чиққан Ким Дэ Чжун мамлакатда Шимолий Корея билан маданий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳарбий соҳалардаги алоқаларни мувофиқлаштирувчи доимий қўмита тузиш лозимлигини таъкидлади.

Бундан анча вақт олдин эса томонлар уруш туфайли бўлиниб кетган оилаларнинг дастлабки рўйхатини бир-бирига тақдим этишганди. Шу сабабли 50 йил айриликда яшаган қариндош-уруғлар бир-бирлари билан дийдор кўришди. Маълумки, қарийб ярим аср аввал жаҳондаги икки йирик сиёсий тузумнинг ўйинлари туфайли мустамлакачиликдан эндигина халос бўлган ягона халқ иккига бўлиб юборилди.

Гарчи, бугун Шимол ва Жанубнинг амалдаги бирлашуви ҳақида гапиришга ҳали эрта бўлса-да, айрилиқ қуйида яшаётган қариндош-уруғлар юз кўришаётганининг ўзи муштарак мақсаднинг дебочасидир, дейиш мумкин. Бунинг аломати Пхеньян саммитидаёқ кўзга ташлана бошланганди, десак хато бўлмайди. Ўшанда нафақат оилаларнинг бирлашуви, балки маданият, илм-фан ва бошқа соҳадаги алоқаларни ҳам ривожлантириш борасида келишиб олинган эди. Ана шу келишув доирасида яқинда Жанубий Корея пойтахти Сеулда Шимолий Корея кино усталарининг асарлари муваффақият билан намойиш қилинди.

Бевосита қариндош-уруғларнинг учрашувига келсак, тақдим этилган дастлабки рўйхатда ҳар икки томондан юз кишининг номи қайд этилган эди. Шунингдек, томонлар учрашувда иштирок этаётганлар хавфсизлигини таъминлаш кафолатини ўз зиммасига олишини маълум қилиб, ўзаро мактуб алмашишди. Расмий хабарларга кўра, учрашув тўрт кун давом этади. Иштирокчиларни икки мамлакат Қизил Хоч жамиятларининг ходимлари ва журналистлар кузатиб боради.

Олдинда яна қанча ҳаяжонли дақиқалар турибди. Буни биргина Жанубий Кореянинг ўзидан 70 мингга яқин киши қариндош-уруғи билан кўришиш учун ҳукуматга ариза бергани тасдиқлайди. Шимолий Кореяда ҳам Жанубда яшаётган яқинлари билан кўришиш истагини билдирганлар оз эмас.

Яқинлари билан дийдор кўришган 100 киши компьютер ёрдамида ўтказилган лотерея ўйинида ажратиб олинган. Бу денгиздан томчи, холос. Айрилиқ дардида юрган минг-минглаб одамларни бир вақтнинг ўзида учраштириш ҳам жисмонан, ҳам маънан мушкул ишдир. Лекин, энг муҳими, илк хайрли қадам ташланди.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ТАФСИЛОТЛАР

АВДЕВИЧ ВАЗИФАСИДАН БЎШАТИЛДИ

Россия ҳукумати ва президент маъмурияти муассислигида нашр этилувчи «Ватан» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари Виталий Авдевич ишдан бўшатилди. Ҳукумат ахборот департаментининг хабарига кўра, В.Авдевич ўз хоҳишига биноан лавозимидан четлатилган. Бироқ айримлар В.Авдевичнинг бўшатилиши сабабларини унинг шафеълигида нашр этилган «Федерал маълумотнома» атрофидаги жанжал билан боғламоқда. Маълум бўлишича, нашриёт вакиллари турли корхона ва ташкилотларни «маълумотнома»да реклама жойлаштиришга мажбур қилган. Кўнмаганлар давлат ҳокимият органлари билан муносабатларда жиддий муаммоларга дуч келиши мумкин, деб қўрқитилган. Ҳисоб-китобларга кўра, «Федерал маълумотнома» нашрлари шу тарзда 1,5 миллион доллар тўплашга муваффақ бўлишган.

Бремерхафен кўчалари

ПАРТИЯ САЙЛОВЛАРГА ҚАРШИ

Черногорияда ҳукмрон Социал-демократик партия (СДП) марказий қўмитаси Югославияда президент ва парламент сайловлари ўтказилишига қаршилик билдирди. Партия ижроия қўмитаси раиси Миодраг Вуковичнинг айтишича, бунга Югославия конституциясига Сербия ва Черногориянинг ўзаро тенг ҳуқуқлилик тамойилини поймол қилувчи тузатишлар киритилгани сабаб бўлган. СДП Черногориянинг барча фуқароларини сайловда қатнашмасликка чақирди. Мазкур икки тадбир 24 сентябрга мўлжалланмоқда.

НАТИЖАСИЗ АНЖУМАН

Замбия пойтахтида Конго Демократик Республикасида (КДР) тинчлик ўрнатиш борасида бўлиб ўтган учрашув бесамар якунланди. Тўққиз давлат, уч йирик исёнчи гуруҳ, шунингдек, БМТ ва Африка бирдамлиги ташкилоти вакиллари иштирок этган мазкур анжуманда томонлар КДРда барқарорликка эришиш шартлари борасида муросага кела олмади. Шунга қарамай, улар илгари Лусакада имзоланган ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимга амал қилишини яна бир бор тасдиқлашди.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

Саломатлик хизмати

ТАДБИРЛАР ЕТАРЛИ

Қўшни Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилояти Мирзачўл ҳамда Фориш туманлари билан чегарадош. Еттисой, Чордара, Киров, Махтаорол туманлари аҳолисининг форишлик ва мирзачўлликлар билан азалдан бозори бир, тўю маъракаси бир.

Шунинг учун ҳам Чимкент вилоятида ўткир қуйдирги касаллиги қайд этилгани ўта хушёрлик, эҳтиёткорлик чораларини қўллашни тақозо этмоқда.

Вилоят ҳокимлиги «Жиззах вилояти ҳудудида қуйдирги касаллигининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилгани ҳам вазиятнинг жиддийлигидан дарак беради.

Фориш тоғли ҳудуд бўлгани сабабли аҳоли кўпроқ мол-қўй боқади. Бевосита Чимкент вилояти ва қўшни бўлган Монгерди, Арнасой, Еримбетти номли хўжаликларда 67 минг бошдан зиёд қоракўл қўй мавжуд. Мирзачўл туманида эса 4000 га яқин қорамол бор. Хўш, чорвани хавфли касалликдан сақлаш, бу билан инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилаяпти?

— Аслида қорамол ҳамда майда моллари ҳар йили қуйдирги касаллигига қарши эмлаш қатъий режалаштирилган, — дейди вилоят давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи Нурпўлат Тўрабоев. — Май ойидаёқ вилоят бўйича эмлаш ишларини амалга оширганмиз. Аммо хусусий мулк эгалари, узоқ тоғларда молларини боқаётган фермерлар ҳар доим ҳам бу ишга эътибор беришавермайди. Шу боис, ҳозир бутун диққатни эмланмай қолган молларни аниқлашга қаратганмиз. Ўтган ҳафта республика Давлат ветеринария бош бошқармасидан 55 минг дозали қуйдирги эмламаси олиб келдик.

Мирзачўл тумани давлат ветеринария бўлими бошлиғи Исроил Жумабоевни Еттисой тумани билан чегарадош божхона постида учратдик. Бу ерда ветеринария-санитария карантин пости ташкил этилибди. Қўшни давлатдан келаётган барча автомашина ва фуқаролар дезабарьер ҳамда дезомат орқали ўтаяпти. Бу билан бизнинг ҳудудга ўтиши мумкин бўлган касаллик микроблари зарарсизлантирилмоқда.

Карантин пости бошлиғи Ҳамроқул Шодмоновнинг гапига қараганда, чегарадан гўшт ва сут маҳсулотлари олиб ўтилишига йўл қўйилмаяпти.

Туман ветеринария бўлими ходимлари ҳамда уларга вилоятдан ёрдамга келган 5 нафар мутахассис қишлоқма-қишлоқ юриб, аҳоли ўртасида қуйдирги, оқсил, эхинококкоз каби касалликлар, уларнинг олдини олиш йўл-йўриқларини тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Фориш бозорларида сотилаётган гўшт ва сут маҳсулотларининг сифати қатъий назоратга олинган. Қассоблар сўйиб келтираётган моллар ҳақидаги аниқ маълумотлар тўпланмагунча, гўшт савдога чиқарилмайди. Қовун-тарвуз, полиз маҳсулотлари сифатини текширишга ҳам эътибор кучайтирилган.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Акциядорлик тижорат

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

бошқаруви

Сергуёш Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча юртдошларни, ўз таъсисчилари, акциядорлари ҳамда мижозларини

Мустақиллик байрами *билан муборакбод этади.*

Эрк, Озодлик ва Мустақилликни ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. У ҳаммамиз учун бебаҳо, муқаддас ва азиз неъматдир. Шунинг учун ҳам Мустақиллик байрами халқимиз байрамидир. Ушбу қувончли кунларда ҳар бир хонадонга муҳаббат, севинч, ёруғлик, сиҳатлик ва тинчлик тилаймиз. Жондан азиз Ўзбекистонимизнинг мунаввар ва буюк келажагини кўрмоқ, бахти барчамизга насиб этсин!

Азиз юртдошлар!

Ўзбекистон саноат-қурилиш банки юртимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча аҳолига Мустақиллик байрами муносабати билан қуйидаги жозибали омонат турини таклиф этади.

"ҲАМКОР" омонати — ҳозирги кунда омонатчилар учун энг қулай даромад манбаи бўлиб, омонатнинг энг кам миқдори 10 минг сўм, ойига олдиндан 3 фоиз даромад тўлаш шарти билан 6 ой муддатга қабул қилинади ва ҳар ойда омонатга қўшиладиган даромадни олиб ишлатиш мумкин. Ушбу омонатга маблағларингизни қўйган заҳотингиз бир ойлик фоиз даромади бирдан ҳисобланиб, омонат қолдиғига қўшиб борилади.

Агарда ҳар ойда омонатга тўланадиган фоиз даромадини 6 ой муддат ўттандан сўнг омонат қолдиғи билан бирга олсангиз, 19,4 фоиз даромад кўрасиз. Белгиланган муддат тугагандан сўнг, Сизнинг хоҳишингизга кўра, ушбу омонат бир маротаба яна 6 ой муддатга қайта расмийлаштирилиши мумкин. Бунда фоиз даромадлари 1 йил мобайнида омонат қолдиғига ҳар ойда қўшиб ҳисобланганда, даромадингиз 42,6 фоизни ташкил этади.

Бундан ташқари, аҳоли учун қулай бўлган қисқа ва узоқ муддатли қуйидаги янги омонат турларини ҳам таклиф этамиз:
«Даромад» омонати — 21 августдан 31 сентябрга қадар қабул қилинади, омонатнинг энг кам миқдори 20 минг сўмни ташкил этиб, 15 кун ичида 2,5 фоиз даромад тўланади.
«Жамғариладиган» омонати — 10 августдан бошлаб қабул қилинади, омонатнинг энг кам миқдори 20 минг сўмни ташкил этиб, 2 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади ва ҳар ойда бошланғич қўйилган маблағ миқдоридан 10 фоиздан кам бўлмаган қўшимча маблағ қўйиб борилиши керак. Ушбу шарт бажарилган тақдирда бу омонат бўйича ойига 3,5 фоиз даромад ҳисоблаб борилади.

Банк сармоянгиз ҳақидаги маълумотларни сир сақлашни, омонат шартларининг тўлиқ бажарилишини ва Сизнинг биринчи талабингиз асосида пул маблағларингизнинг қайтариб берилишини кафолатлайди.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 133-73-24; 136-06-54.

БИЗ СИЗГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАН МАМНУНМИЗ!

Туронзаминда милодий 666 йилда бошланган ва карийб бир асрдан кўпроқ давом этган араб босқинчилигига қарши курашлар бир қатор ажойиб қаҳрамонларни майдонга чиқарди. Уларнинг орасида Муқанна алоҳида ўрин тутади.

Миллат шаъни фидойилари МУҚАННА

Муқанна қўзғолони тўғрисида «Тарихи Табарий», «Тарихи Наршахий» (ёки «Бухоро тарихи»), XV асрда яшаб ижод этган тарихчи Мирхонднинг «Равзатус-сафо» асарида маълумотлар келтирилган. Бизнинг давримизга келиб устоз адиб Садриддин Айний мавжуд тарихий манбаларни чуқур илмий-танқидий таҳлил қилиш асосида «Муқанна исёни» номли тарихий-адабий тадқиқотини яратди. Хуллас, юқорида тилга олинган манбалардан Муқанна бошлиқ халқ озодлик қўзғолонлари тўғрисида анча батафсил тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Муқаннанинг асл исми Ҳошим ибн Ҳаким бўлиб, Муқанна унинг лақабидир. Маълумки, араб тилида аёллар юзига тортиб юрадиган парда «миқнаи» дейилади. «Муқанна» сўзи ҳам шундан олинган бўлиб, «миқнаи тутувчи» ёки «ёпинчиқли» демакдир. Дарҳақиқат, Муқанна юзига парда тортиб юрган. Буни ўтмиш тарихчилари ҳар хил талқин этадилар. Масалан, Наршахий ўз асарларида Муқаннани «хунук, боши кал ва бир кўзи кўр» деб кўрсатса, «Равзатус-сафо» муаллифи «баднусха ва хунук бир киши эди» дейди. Аммо бу борада Садриддин Айний талқини ҳақиқатга яқинроқдир. Унинг ёзишича, кўрлик ва хунуклик у қадар инсон нафратланадиган ҳолатлар ҳисобланмайди. Шу сабабли бундай одамларнинг парда ёпиниб юриши шарт эмас эди. Муқаннанинг эса парда остида юришига бошқа, янада жиддий сабаб бор эди. Маълумки, Муқанна арабларга қарши энг катта исённи уюштирган Хуросон амири Абомуслим қўлида кичик лашкарбошилардан бири бўлган. Абомуслимнинг исёни бостирилгач, Муқанна зиндон қилинади. У зиндондан қутулгач, бекиниб юради. Тўққиз йил мобайнида яширин ҳолатда босқинчиларга қарши ташвиқот ишларини олиб боради ва қўзғолонни тайёрлайди.

Муқанна ўзини гўё Худо ва пайғамбар деб эълон қилган ва шуни назарда тутган ҳолда мусулмон эътиқодли тарихчилар уни ҳар тарафлама бадном қилиб тилга олишган. Хўш, у кенг халқ қаршисида нега бундай даъволарни қилишга борди? Садриддин Айний ёзади: «Эҳтимол, Муқанна халққа қуйидагиларни уқтиргандир: мусулмонлар Худони азоб-уқубатлардан қутқарувчи нажоткор, пайғамбарларни шу нажот йўлини кўрсатувчилар, деб биладилар. Сиз бўлсангиз, ҳозир шу дин намояндалари томонидан азобга маҳкум этилгансиз. Агар менинг айтганларимга кўнсангиз, мен сизларни шу азоб-уқубатлардан қутқараман. Агар Худо нажот берувчи бўлса, ўша менман. Агар пайғамбар раҳбарлик қилувчи бўлса, ўша пайғамбар ҳам менман. Абомуслим сизларга нажоткор бўлмоқчи эди, ўлдирилди, унинг ўрнида ҳам менман».

Бундай талқин ҳаётий асослидир. Чиндан ҳам, Абомуслим Хуросон ва Мовароуннаҳр вилоятларини ўз ичига олган ягона миллий давлат тузмоқчи бўлган. Абомуслим мағлубиятга учрагач, Муқаннанинг ҳам асосий мақсади шу эди.

Муқанна Марв яқинидаги Коза номли қишлоқда дунёга келган. Болалигида ҳамқишлоқлари қаторида козагарлик, яъни тўқилган матони ювиб, пардозлаш иши билан шуғулланган. Кейинги ҳаёти тўғрисида Наршахий ёзади: «Кейин илм ўрганишга киришди. Ҳамма илмларни пухта эгаллади. Кўзбойлағичлик ва найрангбозлик илмларини ҳам ўрганди. Ўтмиш китобларини кўп ўқиган, жодугарликда устоз эди».

Лекин Садриддин Айний айтганидек, Муқанна найрангбоз ва жодугар эмасди. Муқанна исломгача Хуросон ва Марвда кенг ривожланган кимё ва физика билимларини анча чуқур эгаллаган. Кимёвий ва физик тажрибалар натижасини бесавод омма «найрангбозлик» ва «жодугарлик» деб билади. Ниҳоят, халқнинг бу таассуроти тарихий асарларга ҳам кўчган.

Мамлакат араб босқинчилиги зулми остида қолгач, Муқанна илм-маърифатни йиғиштириб, Абомуслим ҳаракатига қўшилган ва сиёсий фаолият билан шуғуллана бошлаган.

Муқаннанинг сафдошлари орасида марвлик Абдулла ибн Умар деган киши бўлган. Муқанна унинг қизига уйланган. Муқанна Аббосийлар халифалигига қарши қўзғолонни бошлашни унга топширади. Абдулла ибн Умар Амударёдан ўтиб, Қашқадарё воҳасидаги Нахшаб (Қарши) ва Кеш (Шаҳрисабз) шаҳарларига бориб, деҳқонлар орасида ҳам, шаҳар аҳолиси орасида ҳам катта мувафқиятлар билан тарғибот ишларини олиб боради. Шусиз ҳам босқинчилар зулмидан тоқати тоқ бўлган аҳоли унга эргашади. Қўзғолончилар арабларнинг қўйилган амирларни ўлдирадилар. Қўзғолон Қашқадарёдан Зарафшон водийсига ёйилади. Бухоро атрофлари қўзғолоннинг йирик марказларидан бирига айланади. Бу ерда бухорҳудот Бунёд ибн Туғшоданинг ўзи ҳам Муқанна ҳаракатини қўллаб-қувватлайди. Сўғдиёнада қўзғолон кўлами кенгайгач, Муқанна ўзининг 36 нафар муриди билан Амударёдан ўтиб, Кешга йўл олади. Ҳисор тизма тоғида Сиём деган қоя тепасида ўзи учун мустаҳкам қароргоҳ барпо этиб ўрнашади. Қашқадарё ва Самарқанддаги кичик шаҳарлар ва қишлоқлар кун сайин бирин-кетин қўзғолончилар томонига ўта бошлайди. Араблар ва аралашган туб зодагонлар қўзғолон даврида Мовароуннаҳрни тарк этиб, Боғдодга кўчишга тушадилар.

Воқеалар Аббосийлар халифи Ал-Маҳдийни саросимага солади. У Муқаннага қарши жангларга раҳбарликни ўз қўлига олади. Ал-Маҳдий яхши қуролланган катта қўшинни Мовароуннаҳрга жўнатади. Бошқа қисм билан бирга ўзи қўзғолонни бостириш учун Нишопурга йўл олади.

Муқанна тарафдорларини тарихда «оқ чопонлилар» деб аташади. Бунинг қисқача тарихи бундай: Абомуслим қўзғолон кўтарганида ўзи ҳам, қўзғолончилар ҳам қора кийимда кўринишган. Абомуслим Аббосий халифалиги томонидан ҳийла билан қўлга олиниб ўлдирилгач, қўзғолон бостирилади. Лекин Аббосийлар бу рамзни ўз давлатларининг расмий нишони сифатида қабул қилишган. Аббосийлардан юз ўгирган Муқанна уларга зид равишда ўз сафдошлари ва маслакдошларига оқ чопон кийишни буюради.

Хуллас, оқ чопонлилар Қашқадарёни забт этганларидан кейин Бухорода пайдо бўладилар. Бу ерда эри араблар билан курашда ҳалок бўлган аёл ҳокимлик қилган, Наршах қишлоғи аҳолиси Муқанна ҳаракатининг таянчларидан бирига айланади. Бу қишлоқ аҳолиси арабларга қарши 4 ой мобайнида мардларча қаршилик кўрсатдилар. Наршахий бу тўрт ойлик жанг ҳақида «Оқ чопонлилар ҳар кун зафар топардилар» деб ёзади. Охири араблар қамалдаги қўрғон тагидан ўра қазишиб, деворнинг бир четини йиқитишади. Шундан кейин бошланган тенгсиз жангда озчилик бўлган «оқ чопонлилар» мағлубиятга учрайдилар.

Халифа Ал-Маҳдий милодий 780 йилда Мовароуннаҳрдаги қўзғолонларга қарши ҳаракатларини янада кучайтирди, халқ қўзғолонлари шафқатсизлик билан бостирила бошланди. Бу орада Самарқанддаги икки йиллик самарасиз жанглардан кейин Хуросон амири Маоз ибн Муслим ҳам қўмондонликдан, ҳам Хуросон амирлиги лавозимидан воз кечди. Унинг ўрнига Мусайяб ибн Забир Хуросон амири этиб тайинланди ва у Марвда лашкар тўплаб Бухорога етиб келди. Мусайяб ва Бухоро волиси Жаброил ибн Холиднинг лашкарлари қўшилиб, Самарқандда сўғдийлар қўзғолонини бостирди.

Охири, Муқанна жойлашиб олган Сиём қалъаси қамал қилинди. Узоқ қамалдан кейин қалъа қўлга олинди. Бироқ Муқаннани тирик ҳолда қўлга туширолмадилар. У ўзини олов ёниб турган тандирга ташлаб, ёниб кетган эди. Шундай қилиб, Хуросонда тўққиз йил яширин ҳолатда, Мовароуннаҳрда беш йил мобайнида ошкора равишда Муқанна раҳбарлигида арабларга қарши олиб борилган озодлик курашлари якун топди.

Хуросон халифалик марказига яқин бўлгани ва бу ерда арабларнинг сон-саноқсиз лашкари жамлангани учун Муқанна уларга бас келолмаган бўлса-да, Мовароуннаҳрда Муқанна катта обрў ва таъсирга эга бўлди. «Оқ чопонлилар» деб ном олган маҳаллий халқ қўзғолончилари беш йил давомида қисман бўлса-да, ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилдилар. Муқанна Хуросон ва Мовароуннаҳрда халқ қалбига миллий озодлик уруғини экди. Кейинги юз йил давомида бу ерда Муқанна номи билан халқ озодлик ҳаракатлари давом этади. Муқаннадан кейин Бармакийлар, Самарқандда Рафе ибн Лайс қўзғолони фотиҳларни ҳолдан тойдирди. Охир-оқибатда, Сомонийлар даврига келиб, бу ерда туб халқ босқинчиларнинг турқини кўрмайдиган бўлди.

М. САФАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ВАТАННИ КУЙЛАШ — ОЛИЙ БАХТ

Улуғ ва шукухли байрам – Истиклолимизнинг қутлуғ тўккиз йиллиги тантаналари арафасида турибмиз. Бугун эса улуғ айём тантаналарининг дебочаси – «Ўзбекистон – Ватаним маним» шиори остида бошланган ва халқимизнинг энг севимли байрамларидан бирига айланиб қолган Ўзбекистон қўшиқ байрамининг республика якуний босқичи бошланади.

Икки кун давомида «Туркистон» саройида республика Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари бадиий жамоаларининг ғолиблари сўнгги босқичдаги санъат беллашувида иштирок этадилар. Биз уларнинг катта имтиҳонолди суҳбатларидан бахраманд бўлдик.

Воқеа арафасида

Ўлмас САИДЖОНОВ, Ўзбекистон халқ ҳофизи:

– Бу йил республикамизда бешинчи маротаба ўтказилаётган «Ўзбекистон – Ватаним маним» қўшиқ байрами биз, санъаткорлар учун катта тантана, байрам. Йилдан-йилга такомиллашиб келаётган мазкур тадбирдан кўзда тутилган мақсад юрт, она-Ватан ҳақида ажойиб, гўзал қўшиқлар яратишдан иборатки, токи улар халқ дилига жо бўлиб, тилига кўчсин.

Бугун эса биз катта саҳнадан туриб Тинчлик, Ватан, Мустақиллик ҳақида жўшиб куйлар эканмиз, бир нарсани теран англамоғимиз керак. Мустақиллик ўз-ўзидан келгани йўқ, уни қўлга киритиш осон кечган эмас. Эндиликда озод, ҳур, эркин-эмин эканмиз, демак, бундай юртга шундай байрамлар ярашади. Тўйга тўёна билан деганларидек, камина ҳам қўшиқ байрамида Шамсутдин Садоий ғазали, халқ куйи билан «Беминнат» деб номланган янги қўшиқ ижро этиш ниятидаман. Унда ўзи туғилиб ўсган гўшасини ўзга юртлардан аъло билган шоир:

«Етти дарё, етти
уммон кезсанг ҳам,
Амриқо, Чинмо Чин,
Фаранг кетсанг ҳам.
Эй Садоий, жаннатларни кезсанг ҳам,
Она юртинг
Ўзбекистон беминнат», –

дейди. Дарҳақиқат, ўз киндик қонинг тўкилган диёр ҳақида ҳар қанча куйласанг оз.

Исроил САИДУМАРОВ, – «Ўзбекнаво» гастрол концерт бирлашмаси хонандаси:

– Очиғини айтсам, бугун жуда ҳаяжондаман. Чунки илк бор бундай катта ва масъулиятли анжуманда қатнашишим. Республика Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги жамоалар ва хонандалар ўртасидаги Ўзбекистон қўшиқ байрами танловида ғолиб бўлиш насиб этгани, республика якуний босқичига берилган йўлланма ва бугунги байрамда қатнашиш ҳаётимдаги энг унутилмас дамлар бўлиб қолиши, шубҳасиз. Боиси, Ватан мадҳини куйлаш, она юрт, мустақил Ўзбекистон ҳақида қўшиқ айтиш биз хонандалар учун катта бахт. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, «Замонлар ўтаверади, даврлар ўзгараверади, аммо Ватан абадийдир. Ватанни севиш, суюб-ардоқлаш, бор вужудинг билан жўшиб куйлаш энг олий бахтдир!».

Иброҳим РЎЗИЕВ, Тошкент Давлат педагогика университети маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи:

– Университетимизнинг «Зиё» бадиий-мусиқий дастаси ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Олий даргоҳдаги ўн битта факультетнинг истеъдодли, санъатга ошуфта талабаларидан ташкил топган гуруҳ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги ўқув юртлари бадиий жамоалари ўртасида ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида Қорақалпоғистон Давлат университетининг «Хурлиман» ансамбли билан бирга ғолиб деб топилгани бизга билдирилган катта ишонч эди. Биз даста раҳбари Даврон Қодировнинг саъй-ҳаракатлари билан мана бугун Ўзбекистон қўшиқ байрамининг республика якуний босқичида қатнашиш арафасида турибмиз. Шуни алоҳида таъкидлагим келадики, билимга чанқоқ, ғайратшижоатли ёшлар юрт мадҳини, бобокалонларимизнинг муносиб ворислари бўлишга интилишларини, Ватанга, Юртбошимизга бўлган муҳаббатиу, садоқатни – саҳнадан туриб баралла куйлашни хоҳлайдилар. Ёшларнинг бундай санъатга, ижодий ва мустақил фикрлашга бўлган интилишларининг тобора ортиб бориши биз, устозларни қувонтиради. Зеро, кўнглида қўшиқ жўш урган йигит-қизлар фақат эзгулик ҳақида ўйлайдилар. Шу маънода мамлакатимизда ўтказилаётган бундай байрамлар ҳар бир хонадонга қувонч ва аъло кайфият олиб киради.

«Халқ сўзи» мухбири Умида ФАЙЗИЕВА суҳбатлашди.

ХОЛИДАНИНГ ЭГИЗАКЛАРИ

Жиззахликлар бундай ғаройиб воқеани илгарилари газеталарда ўқишарди. Энди уларнинг ўзлари бунга гувоҳ бўлдилар.

Пахтакор тумани марказида яшовчи Холида Насриддинова 22 ёшида бир йўла тўрт нафар фарзанд кўрди. Чақалоқларнинг ҳаммаси ўғил.

Тўғриси, туман марказий шифохонаси, туғруқхона ходимлари ҳам дастлаб бу воқеадан шошиб қолдилар. Ҳар бири ўртача 1,5 килограммдан келадиган миттивойларга энг зарур тиббий қаровни ташкил этиш осон бўлмади. Улардан бир нафари узоқ яшамади.

Оллоҳга шукурки, бошқалари соғ-саломат. Етти кун деганда уларнинг соғлиғини янада ишончли муҳофаза қилиш учун, вилоят гинекология илмий марказига ўтказишди.

Онанинг соғлиғи яхши. Шунгача унинг бир нафар ўғли бор эди. Холида 4 ўғилли бўлганидан, тўнғич ўғил эса бир йўла учта укали бўлганидан хурсанд.

Ўз мухбиримиз.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 716, 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — Қ. ЭШМАТОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 1.50
1 2 3 4 5 6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Узоқ муддатли муносабатларга умид боғлаб ва банк хизматларининг ниҳоятда хилма-хил турларини, ишончли, тезкор, қулай хизматларни ҳамда энг фойдали фоиз ставкаларини таклиф қилиб

Банк ташкил этилганининг тўққиз йиллиги арафасида

ҚИСҚА МУДДАТЛИ ОМОНАТНИНГ «Тараққиёт» ДЕБ АТАЛГАН ЯНГИ ТУРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

Омонатга пул 2000 йилнинг 14 августидан 31 августига қадар 1 ой муддатга қабул қилиниб,

йилига 70 фоиз фойда тўланади.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — пулларингиз даромадлилиги ва сақланишига кафолатдир.

NBU

Қўшимча маълумотларни Сиз (998 71) 137-62-83, 137-62-81 рақамли телефонлар орқали ёки «Ўзмиллийбанк»нинг исталган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.

3135

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси вазирлик бошқарма бошлиғи А.Жуманиёзовга турмуш ўртоғи **Нина Петровна МАКУШКИНАнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник Тоҳир Қодировга волидаи муҳтарамаси **Сора ая АЛИЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раҳбарияти «Каттақўрғон ёғ-мой» қиссадорлик жамияти раиси Искандар Ишбековга онаси **Розия ИШБЕКОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор Саъдулла Отамуродовга волидаи муҳтарамаси **ХОНИМ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг қариндош-уруғларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

«Тошвилоятгаз» бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиги муовини Мухтор Мирзамуҳаммедовга волидаи муҳтарамаси **МУҲАРРАМ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.